

Ғийбатнинг сабаблари ва ундан қутулиш учун муолажалар (6-қисм)



17:34 / 26.05.2018 3607

3. Ўзининг ҳаракат ва ишлари, ақлу фаросатига такаббурлик қилиш.

Кибрнинг бу турига гирифтор бўлган киши ўзининг феълу ишларини яхши деб ўйлайди ва натижада бошқаларнинг феълларини ғийбат қила бошлайди. Мисол учун, у «Фалончи девоналарга ўхшайди», «Фалончи роса беақл» ёки «Фалончи ҳаддан ташқари бефаросат» каби гапларни гапирди.

Муолажа. Шунини билишимиз керакки, оқибат ҳеч кимга маълум эмас. Биз девона деган одам Аллоҳнинг наздида яхши бўлиб, тўғри жаннатга бориши мумкин. Чунки нажот топиш фақат ибодат билан эмас, балки

Аллоҳнинг инояти билан бўлади. Кўпинча кўринишда девона бўлиб кўринганлар жаннатга киришга лойиқ бўлади. Зоҳирда барчадан мумтоз бўлиб юрганлар эса Аллоҳнинг илмида халойиқнинг энг ёмони бўлиши мумкин. Кўрар кўзга булар яхши, наригилар ёқимсиз бўлиб кўринган бўлсалар ҳам. Шунинг учун ўзининг ақлу фаросатига фахр қилиб, бошқаларнинг амалларини ғийбат қилиш аҳмоқликдан бошқа нарса эмас.

Дунё бир кун келиб завол топадиган бўлгач, бу ердаги вақтинчалик катталиқнинг ҳеч эътибори йўқ. Ҳақиқий улуғлик ёки ёмонлик оқибатга қараб билинади. У эса бизга маълум эмас. Қаршимизда турган одамнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам оқибатимизда яхшилиқ борми ёки ёмонлик ёзилганми – б???уни билолмаймиз. Чунки қазои қадар устун келиб, ҳаммага бахтли бўлиб кўринганлар бадбахтга, ёки аксинча, бахтсиз бўлиб кўринганлар саодат эгасига айланганини ҳаётда кўпчилик кўрган. Аксар авлиё зотлар одамлар наздида бевиқор, оддий одам ҳисобланади. Лекин улар Аллоҳ таолонинг наздида бирорта ҳам дуоси рад этилмайдиган, иззатли ва обрўли зотлар бўладилар.

Ҳикоя. Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимахуллоҳ айтадилар: «Қаҳатчилик қаттиқ бўлган йили Мадинаи мунавварага келдим. Одамлар истисқо (ёмғир сўраш) намозини ўқигани чиқишди. Мен ҳам улар билан чиқдим. Шунда қора танли бир қул келди. Унинг эгнида икки бўлак дағал канопдан тўқилган мато бўлиб, бирини лунги қилиб ўраб, иккинчисини елкасига ташлаб олган эди. У ёнимга келиб ўтиргач, мен унинг шундай деб дуо қилганини эшитдим: «Илоҳим, гуноҳлар ва ёмон амалларнинг кўплиги Сенинг ҳузурингда бизнинг юзимизни эскиртириб юборди. Бандаларингнинг адабини бериш учун осмон ёмғирини биздан тўсиб қўйдинг. Эй Ҳалим Зот! Бандаларинг Сенинг фақат яхшиликларингни билган. Мана шу соатдаёқ, мана шу соатдаёқ уларга ёмғир ёғдиргин». У «мана шу соатдаёқ, мана шу соатдаёқ» деган гапини тугатгани ҳам йўқ эдики, осмонни булут қоплаб, ҳар томондан ёмғир ёғиб юборди».

Ҳозирги замонда одамлар ўшандай инсонни кўрса, ташқи кўринишига қараб, уни девона деб ўйлайдилар. Ундан қочадилар ёки таҳқирлаб, масхара қилиб, устидан куладилар. «Балки у комил одамлардандир» деган хаёл ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Хуллас, оқибатнинг гўзал бўлиши чиройли амалга ҳамда гўзал ниятга боғлиқ.

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов